

# Электрон рақамли имзо. Нима учун керак, қаердан олса бўлади?



Электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгаришлар натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган имзо.

Электрон рақамли имзо ёки ЭРИ имзонинг маълум бир ташкилот ёки шахсга tegishli эканлигини кафолатлаш имконини берувчи жисмоний имзонинг альтернатив варианты ҳисобланади. Электрон рақамли имзо сертификатланган шахсий ва очиқ калит ёрдамида маълумотларни криптографик ўзгартириш йўли билан олинади.

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг [12.10.2022-yildagi ЎПҚ-793-сон](#) “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

## ЭРИ нима учун керак.

ЭРИнинг мавжудлиги "Асл Белгиси" миллий ахборот тизимида ишлаш учун зарурий шартдир. Электрон рақамли имзо қуйидагиларга имкон беради:

- Маркировка тизимида рўйхатдан ўтиш;
- Электрон ҳисоб-фактура билан алмашиш;
- Шахсий кабинетингизга ўзгартиришлар киритиш, маҳсулот гуруҳлари ва boshqa маълумотларни қўшиш.

Электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда қоғоз ҳужжатдаги қўлда чекилган имзо билан тенг даражалидир, агар:

- Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса;
- Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган пайтда ёки агар имзоланиш вақтини белгиловчи далиллар мавжуд бўлса, электрон ҳужжат имзоланган пайтда амал қилса;
- Электрон рақамли имзо электрон рақамли имзо калити сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилса.

## ЭРИ учун қандай талаблар мавжуд?

ЭРИ тўғрисидаги қонунга мувофиқ ([12.10.2022-yildagi ЎПҚ-793-сон](#)) электрон рақамли имзо калити сертификатида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- электрон рақамли имзо калитининг эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва шахсий идентификация рақами;
- электрон рақамли имзо калитининг эгаси бўлган солиқ тўловчи юридик шахснинг номи, жойлашган эри (почта манзили) ва идентификация рақами;
- электрон рақамли имзо калити сертификатининг церийа рақами ва унинг амал қилиш муддати;
- электрон рақамли имзонинг очиқ калити;
- электрон рақамли имзонинг очиқ калитидан қайси электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлса, худди шундай воситаларнинг номи;
- мазкур сертификатни берган рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган эри (почта манзили);
- электрон рақамли имзо калитидан фойдаланиш мақсади тўғрисидаги маълумотлар;
- электрон рақамли имзо калитининг мазкур сертификати киритилган Реэстрнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги тўлиқ манзили.
- Электрон рақамли имзо калити эгасининг ташаббусига кўра электрон рақамли имзо калитининг сертификатига қонунчиликка мувофиқ бoshqa маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

### **ЭРИни қаердан олиш мумкин?**

Электрон рақамли имзони Давлат хизматлари марказлари ёки [Э-ИМЗО.УЗ](https://e-imzo.uz) платформаси орқали олиш мумкин ва у билан бoshqa давлат хизматларини олаётганда фойдаланиш мумкин.

ЭРИ олиш учун тўлов қилинадими?

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги [348-сонли](#) қарори билан тасдиқланган маъмурий регламентнинг 5-бандига асосан юридик шахслардан ва юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик субъектларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи, жисмоний шахслардан эса 7 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

### **ЭРИдан қандай фойдаланиш керак?**

ЭРИ дан фақат Э-Имзо сертификати орқали фойдаланиш мумкин. «Э-Имзо» электрон рақамли имзо билан ишлаш учун дастурий таъминот ва уни ўрнатиш ва созлаш бўйича кўрсатмаларни қуйидаги манзилдан юклаб олишингиз мумкин. [Сертификатлаштириш маркази сайти](#)

Э-ИМЗО модулини ўрнатиш учун сизга қуйидагилар керак бўлади:

1. Э-ИМЗО модулини юклаб олиш;
2. Администратор ҳуқуқлари билан модулни ўрнатиш;
3. Ўрнатишни очилган ойнада кўрсатиладиган кўрсатмаларга мувофиқ бажариш.

Электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгаришлар натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини

идентификация қилиш имконини берадиган имзо.

Электрон рақамли имзо ёки ЭРИ имзонинг маълум бир ташкилот ёки шахсга tegishli эканлигини кафолатлаш имконини берувчи жисмоний имзонинг альтернатив варианты ҳисобланади. Электрон рақамли имзо сертификатланган шахсий ва очиқ калит ёрдамида маълумотларни криптографик ўзгартириш йўли билан олинади.

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг [12.10.2022-yildagi ЎПҚ-793-сон](#) “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солинади.

### **ЭРИ нима учун керак.**

ЭРИнинг мавжудлиги "Асл Белгиси" миллий ахборот тизимида ишлаш учун зарурий шартдир. Электрон рақамли имзо қуйидагиларга имкон беради:

- Маркировка тизимида рўйхатдан ўтиш;
- Электрон ҳисоб-фактура билан алмашиш;
- Шахсий кабинетингизга ўзгартиришлар киритиш, маҳсулот гуруҳлари ва бoshqa маълумотларни қўйиш.

Электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда қоғоз ҳужжатдаги қўлда чекилган имзо билан тенг даражалидир, агар:

- Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса;
- Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган пайтда ёки агар имзоланиш вақтини белгиловчи далиллар мавжуд бўлса, электрон ҳужжат имзоланган пайтда амал қилса;
- Электрон рақамли имзо электрон рақамли имзо калити сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилса.

### **ЭРИ учун қандай талаблар мавжуд?**

ЭРИ тўғрисидаги қонунга мувофиқ ([12.10.2022-yildagi ЎПҚ-793-сон](#)) электрон рақамли имзо калити сертификатида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- электрон рақамли имзо калитининг эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва шахсий идентификация рақами;
- электрон рақамли имзо калитининг эгаси бўлган солиқ тўловчи юридик шахснинг номи, жойлашган эри (почта манзили) ва идентификация рақами;
- электрон рақамли имзо калити сертификатининг церийа рақами ва унинг амал қилиш муддати;
- электрон рақамли имзонинг очиқ калити;
- электрон рақамли имзонинг очиқ калитидан қайси электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлса, худди шундай воситаларнинг номи;
- мазкур сертификатни берган рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган эри (почта манзили);
- электрон рақамли имзо калитидан фойдаланиш мақсади тўғрисидаги маълумотлар;

- электрон рақамли имзо калитининг мазкур сертификати киритилган Реэстрнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги тўлиқ манзили.
- Электрон рақамли имзо калити эгасининг ташаббусига кўра электрон рақамли имзо калитининг сертификатиға қонунчиликка мувофиқ бoshqa маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

### **ЭРИни қаердан олиш мумкин?**

Электрон рақамли имзони Давлат хизматлари марказлари ёки [Э-имзо.уз](https://e-imzo.uz) платформаси орқали олиш мумкин ва у билан бoshqa давлат хизматларини олаётганда фойдаланиш мумкин.

ЭРИ олиш учун тўлов қилинадими?

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги [348-сонли](#) қарори билан тасдиқланган маъмурий регламентнинг 5-бандига асосан юридик шахслардан ва юридик шахс ташкил этмаган тадбиркорлик субъектларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи, жисмоний шахслардан эса 7 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

### **ЭРИдан қандай фойдаланиш керак?**

ЭРИ дан фақат Э-Имзо сертификати орқали фойдаланиш мумкин. «Э-Имзо» электрон рақамли имзо билан ишлаш учун дастурий таъминот ва уни ўрнатиш ва созлаш бўйича кўрсатмаларни қуйидаги манзилдан юклаб олишингиз мумкин. [Сертификатлаштириш маркази сайти](#)

Э-ИМЗО модулини ўрнатиш учун сизга қуйидагилар керак бўлади:

1. Э-ИМЗО модулини юклаб олиш;
2. Администратор ҳуқуқлари билан модулни ўрнатиш;
3. Ўрнатишни очилган ойнада кўрсатиладиган кўрсатмаларга мувофиқ бажариш.

**Акмал Чориев**

**Термиз туман Адлия бўлими давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи**